



“ТАСДИҚЛАЙМАН”

Бухоро давлат университети

ректори

А.А. Тулаганов

2017 й

“Талабалар турар жойида яшаш учун ариза бериш” интерактив хизматининг намунавий регламенти

1.Хизмат таърифи

1.1.Хизмат номланиши

Қисқа номи: “Талабалар турар жойида яшаш учун ариза бериш”
Кенгайтирилган номи: Бухоро давлат университети (кейинги ўринда -
Университет) расмий веб-сайти орқали “Талабалар турар-жойида яшаш
учун ариза бериш” хизмати

1.2. Хизмат натижаси

Университет раҳбарлари томонидан талабалар турар жойларида яшаш учун
университет ректори номига жўнатилган электрон аризани қабул қилиш.

1.3.Хизмат кўрсативчи органлар

Бухоро давлат университети

1.4. Ҳуқуқий асослар

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2006 йил 17 январдаги
“Талабалар турар жойи фаолиятига оид янги таҳрирдаги меъёрий
ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида” ги 11 – сонли буйруғи

1.5. Хизматдан фойдаланувчилар

Университет талабалари фойдаланиши мумкин

1.6.Ариза бериш муддатлари

Талабалар турар-жойида яшаш учун аризаларни ўқув йили давомида
тақдим этиш мумкин

1.7.Бажариш муддати

Талабалар турар-жойида яшаш учун аризалар 3 (уч) кун муддатда кўриб
чиқилади

2.Хизматдан фойдаланувчиларни хабардор қилиш

2.1. Маълумот таркиби ва ҳажми

Мурожаат этган аризага қуйидаги ахборот берилиши лозим:

- Хизмат регламенти мавжудлиги ва регламент билан танишиш усуллари;
- Талабалар турар-жойида бўш хона мавжудлиги ва бу хоналар кимлар (қизлар ёки йигитлар) учун мўлжалланганлиги тўғрисида маълумот

2.2 Батафсил маълумот олиш

“Талабалар турар-жойида яшаш учун ариза бериш” хизмати тўғрисида ахборот бериш университет расмий (<http://buxdu.uz>) веб-сайти орқали амалга оширилади

2.3. Сўровнома бўйича маълумот олиш

Ушбу хизмат, университет расмий (<http://buxdu.uz>) веб-сайти орқали мурожаат этилганда махсус шакл тўлдирилгандан кейин электрон кўринишда кўрсатилади

2.4.Хизмат кўрсатиш манзили ҳақида маълумот олиш

Университет турар-жойларининг манзили ва хизмат транспорти йўналишлари расмлари билан бирга кўрсатилади

2.5.Фойдаланадиган бланкалар

Ариза электрон шаклда тўлдирилади

3.Иш вақтлари ва мурожаат жавобларни кутиш вақтлари

3.1.Иш вақтлари

Хизмат кўрсатувчининг иш вақти душанба-шанба (соат 09⁰⁰ дан 18⁰⁰ гача)

3.2.Мурожаат жавобларини кутиш вақтлари

3 (уч) иш кун.

4.Хизмат кўрсатиш тартиби.

4.1.Зарур бўлган ҳужжатлар

- Талабаликни тасдиқловчи ҳужжат (гувоҳнома);
- жисмоний шахсларнинг шахсий идентификацион рақами (ПИНФЛ);
- ЭРИ (электрон рақамли имзо).

4.2.Хизмат тўлови

“Талабалар турар жойида яшаш учун ариза бериш” хизмати бепул амалга оширилади

4.3.Хизмат кўрсатиш босқичлари

Университетнинг расмий (<http://buxdu.uz>) веб-сайти орқали хизмат кўрсатиш босқичлари:

- id.gov.uz орқали рўйхатдан ўтилади ва тизимга кирилади;
- “Интерактив хизматлар” бўлиmidан “Талабалар турар-жойида яшаш учун ариза бериш” хизмати танланади;

- аризачи томонидан факультет йўналиши (мутахассислик), босқич (1-4), таълим олаётган гуруҳ (киритилади), талабалар турар жойи рақами (мавжуд бўлса), жинси, доимий яшаш манзили(вилоят, туман, шаҳар), талабалар турар - жойидаги бўш хона танланади (мавжуд бўлса);
- талабаларнинг шахсий идентификацион рақами (ПИНФЛ) киритилади;
- талабаларни тасдиқловчи хужжат (гувоҳнома)нинг электрон нусхаси илова қилинади;
- ариза тўғри тўлдирилганлигини тасдиқлаб, “Электрон рақамли имзо билан юбориш” функцияси танланади ва ариза юборилади.

4.4.Хизмат кўрсатишнинг ички идоравий жараёни

Масъул ходим талабалар турар-жойидаги бўш хоналар ҳақидаги маълумотларни хизматга киритади

Талаба томонидан танланган хонада бўш жой мавжуд бўлса, у ҳолда талабанинг аризаси қабул қилинади ва бу ҳақда хабар берилади


Рад жавоби берилса, асослари ариза берувчига юборилади

4.5. Рад этиш сабаблари

- Ариза шакли нотўғри ёки тўлиқ тўлдирилмаган бўлса :
- “Университетдаги талабалар турар-жойига талабаларни жойлаштириш тартиби” га мос келмаган ҳолатлар бўлса;
- Талабалар турар-жойида бўш жой мавжуд бўлмаса;
- Университетнинг ички қоидаларига белгиланган бошқа ҳолатлар.


“КИРИТИЛДИ”

Талабалар турар жойи
директори


В.Х.Нусратов
“27” сентябрь 2017 й

“КЕЛИШИЛДИ”

Ахборот технологиялар
маркази бошлиғи


М.З.Хусенов
“27” сентябрь 2017 й